



# Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

## КУН ТАРТИБИДА — ҲАЁТИЙ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, мамлакатимиз Бош вазири Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, саноат, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида шу йилнинг 1 октябр куни Сирдарё вилоятига ташриф буюрди.**

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Исло Каримов раҳнамолигида мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг барча худудларида бўлгани каби Сирдарё вилоятида ҳам улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Бунинг самарасида вилоят маркази, шаҳар ва қишлоқларининг қиёфаси тубдан ўзгарди, аҳолининг ҳаёт даражаси юксалиб бормоқда.

Шавкат Мирзиёев Ширин шаҳридаги минтақадаги энг йирик Сирдарё иссиқлик электр станциясида бўлди. Бу корхона Ўзбекистон энергия тизимининг марказий қисми истеъмолчиларини энергия билан таъминлайдиган асосий манба ҳисобланади.

Умумий қуввати 3050 МВт бўлган 10 энергия блокдан иборат ушбу иссиқлик электр станциясида йилга 16,1 миллиард кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилади.

Мазкур корхона 1972 — 1981 йилларда босқичма-босқич фойдаланишга топширилган бўлиб, мавжуд асбоб-ускуналар эскиргани ишлаб чиқариш қуввати пасайишига олиб келмоқда. Шу сабабли бу ерда сўнгги йилларда мунтазам реконструкция ишлари амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз Биринчи Президентининг «Сирдарё иссиқлик электр станциясидаги иккита энэргоблокни тўлиқ модернизация қилиш» инвестицион лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорига мувофиқ 2014 йилнинг июл ойидан 2015 йилнинг март ойига қадар иккита энэргоблок модернизация қилинди.

Шавкат Мирзиёев мутахассислар билан Сирдарё иссиқлик электр станцияси қувватини ошириш, ишлаб турган энэргоблокларни модернизация қилиш масалаларини муҳокама қилди. Корхонада ишлаб чиқарилаётган электр энергияси таъминини пасайтириш, станция ускуналарини таъмирлаш учун зарур эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича тегишли топшириқлар берилди. Истеъмол қилинган электр энергияси учун тўловларни ўз вақтида амалга оширишни таъминлаш, электр энергияси ҳисобини назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жадал жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Шавкат Мирзиёев вилоят марказидаги «Гулистон медтехника» Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонасида ҳам бўлди. Жанубий Кореяда ишлаб чиқаришга қўшма корхона асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, шу йилнинг 1 октябрдан дастлабки маҳсулот ишлаб чиқаришни бошлаган ушбу қўшма корхонани барпо этиш учун 7,3 миллион АҚШ доллари йўналтирилган. Янги корхонада йилга 216 миллион дон шприц ва 26 миллион дон инфузия системаси ишлаб чиқарилади. Ушбу маҳсулотларни ички бозордан ташқари Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркменистонга ҳам экспорт қилиш режалаштирилмоқда. Қўшма корхонадаги 210 иш ўрнининг ярмига касб-хунара коллежлари битирувчилари қабул қилинган, айниқса, эътиборлидир.

Шавкат Мирзиёев Гулистон шаҳрида кам таъминланган оилалар учун бунёд этилиши режалаштирилаётган

қўп қаватли замонавий уйлар лойиҳаси билан ҳам танишди. Бундай уй-жойларни жамоатчилик иштирокида уй-жой шaroитини яхшилашга муҳтож оилаларга имтиёзли кредит асосида адолатли равишда бериш лозимлиги таъкидланди.

Мамлакатимиз Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев вилоят пахта далаларида бўлиб, йиғим-терим ишларининг боришини кўздан кечирди. Гулистон тумани фермерлари билан худудда ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, юқори унумли навларни экиш, соҳага замонавий қишлоқ хўжалиги техникаларини жорий этиш масалаларини муҳокама қилди.

Қишлоқ жойларда зарур муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмага эга бўлган яққа тартибдаги замонавий ихчам уй-жойлар қуриш лойиҳалари муҳокама этилди. Қисқа муддатларда бундай шинам, энэргияни тежайдиган қўп хонали уйларнинг барпо этилиши қишлоқларда кам таъминланган ва ёш оилаларнинг яшаш шaroитини яхшилаш имконини бериши алоҳида аҳамиятга эга экани қайд этилди.


Сирдарё вилояти фаоллари билан учрашув аввалида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Исло Каримов хотираси ёдга олиниб, ҳурмат баҳо келтирилди.

Вилоятнинг шаҳар ва туманлари марказларида янги уй-жойлар барпо этиш, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш, ободонлаштириш ва кўкназорлаштириш ишларини амалга ошириш кўзда тутилган истиқболли бош режаларни татбиқ этиш асосида аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилашга доир масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек, вилоятнинг экспорт салоҳиятини ошириш, тадбиркорларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича долзарб вазифалар белгилан олинди. Йиғим-терим ишлари, кузги экинларни экиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захирасини гамлаш, уй-жойлар ва ижтимоий иншоотларнинг кузги-қишки мавсумга тайёргарлиги, саноат ва вилоят иқтисодиётининг бошқа соҳалари узлуксиз ишлашини таъминлаш масалалари бўйича аниқ топшириқлар берилди.

Йиғилишда Гулистон тумани мисолида вилоятни истиқболда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг комплекс дастури қўриб чиқилди. Хусусан, яқин икки йилда ушбу туманда қарийб 900 та иш ўрни яратиш имконини берадиган 11 та саноат корхонаси ташкил этиш режалаштирилмоқда. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ички бозорда сотиш билан бирга, ташқи бозорга чиқариш ҳам мўлжалланмоқда.

Йиғилишда Шавкат Мирзиёев вилоят раҳбарлари ва фаолларини ҳукумат порталида очилган Бош вазирининг виртуал қабулхонаси манзилига худуд аҳолисидан келаётган мурожаатлар билан таништирди. Вилоят мутасаддиларига ушбу масалаларни кўриб чиқиш ва тезкор ҳал қилиш бўйича аниқ кўрсатмалар берилди.

**Анвар САМАДОВ,**  
ЎЗА махсус мухбири



## Марғилонда янги меҳмонхона

**Марғилонда «Адраслар уйи» меҳмонхонаси фаолият бошлади.**

Уста хунараманд Иброҳим Асқаров ташаббуси билан бунёд этилган меҳмонхона шарқона ва замонавий меъморлик анъаналарини ўзида мужассам этган. Унда сайёҳлар учун сифатли ва замонавий сервис хизмати кўрсатиш учун барча шaroит яратилган. Меҳмонхонада, шунингдек, адрас ва атлас матолари савдоси йўлга қўйилди. Ташриф буюрувчилар ушбу миллий маҳсулотларнинг тайёрлиниш жараёни, тарихи билан танишиши мумкин.

ЎЗА фотомухбири Муқимжон ҚОДИРОВ олган суратлар.

Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерациясида

## Сиздан озод ва обод Ватан қолди

Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Исло Каримов хотирасига бағишланган «Сиздан озод ва обод Ватан қолди» деб номланган тадбир ўтказилди. Унда Федерация Кенгаши, тармок касаб уюшмалари Республика кенгашлари, Тошкент шаҳри ва вилояти касаб уюшма ташкилотлари бирлашмалари мутасадди ва ходимлари, фаоллар, таниқли сиёсатшунос ва олимлар иштирок этдилар.



Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари Бахтиёр Махмадалиев мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Исло Каримовнинг халқимиз олдидаги буюк хизматлари, миллий ўзлигимизни юксалтириш йўлида кўрсатган фидойилиги ҳақида сўзлаб, улуғ Йўлбошчининг порлоқ хотираси мангуликка муҳрланганини таъкидлаб ўтди.

Тадбир ташкилотчилари томонидан Мустақиллик ҳеч кимга қарам бўлмасдан, миллий манфаатларимиз

ва эзгу мақсадларимизга монанд-мос равишда яшаш ва меҳнат қилиш имконини бергани, бундай юксалишлар Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Исло Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилган ўзига хос ва ноёб тараққиёт йўлимиз — «ўзбек модели» самараси экани, шу асосда олиб борилаётган изчил ислохотлар туфайли иқтисодиётимизнинг барча тармоғи жадал ривожланаётганлиги эътироф этилди.

»(4).

4 декабр — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

Шу йилнинг 3 октябр куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Видеоконференцолақа шаклида ўтказилган мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловни ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг аъзолари, сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.



## Марказий сайлов комиссиясининг онлайн мажлиси

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов бошқарган мажлисда мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурда Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловни ўтказувчи сайлов участкаларини тузиш ҳамда сайловга тайёргарлик кўришга доир бошқа масалалар кўриб чиқилди.

«Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурда сайлов участкалари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади.

Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурда сайлов участкаларини тузиш тўғрисидаги тақдимномасини кўриб чиқиб, мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурда Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловни ўтказувчи 44 сайлов участкасини тузиш ҳамда уларни 14-Тошкент шаҳар сайлов округига бириктириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Мажлисда сиёсий партиялар томонидан тақдим этиладиган имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш бўйича Марказий сайлов комиссияси ҳузурда ишчи гуруҳлари тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ишчи гуруҳларининг асосий вазифаси «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 24-моддасига асосан белгиланган муддатда имзо варақалари қонун талабларига мувофиқлиги ҳақида хулосалар беришдан иборатдир.

Тадбирда 2-Андижон ва 12-Хоразм округ сайлов комиссиялари раисларининг Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловга тайёргарлигининг бориши ҳақидаги ахборотлари ҳам эшитилди.

Комиссия аъзолари Марказий сайлов комиссиясига мурожаат қилган оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитациядан ўтказиш масаласини ҳам кўриб чиқди. Таъкидлангандек, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш, жамоатчиликни сайлов кампаниясининг барча босқичлари ҳусусида ўз вақтида хабардор қилишда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутди. Шу вақтга қадар мамлакатимиз ва хорижий босма ҳамда электрон оммавий ахборот воситаларида сайлов кампанияси билан боғлиқ икки мингдан зиёд материал эълон қилинди.

Мажлисда Марказий сайлов комиссияси ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди. Қурилган масалалар юзасидан Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

**Б.БОЗОРОВ,**  
ЎЗА мухбири



## Амалий ёрдам қўламини кенг


>> 2



## Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш самарадорлиги ошади

>> 4

# БУГУННИНГ НАФАСИ



## Юқори сифатли тиббий хизмат

Бухоро вилояти Когон шаҳар тиббиёт бирлашмасида аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Замон талаблари даражасида жиҳоз-

ланган шифо масканида шошилиш ёрдам, жаррохлик, травматология, токсикология, педиатрия каби бўлимлар ишлаб турибди. Уларда меҳнат қилаётган 927 малака-

ли тиббиёт ходими аҳоли саломатлигини назорат қилиш, даволаш, турли касалликларнинг олдини олиш, профилактика тадбирларини самарали ташкил этмоқда.

**СУРАТДА:** Когон шаҳар тиббиёт бирлашмасида.

**ЎЗА фотомухбири Тоҳир ИСТАТОВ олган сурат.**

## Ижтимоий шериклик



## Амалий ёрдам кўлами кенг

Кимё ва фармацевтика sanoati ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши масъул ходимларининг амалий ёрдами натижасида, ходимлар сонидан қатъи назар, юридик шахс мақомига эга бўлган корхона ва ташкилотларда жамоа шартномалари тузилиб, уларга йил моҳиятидан келиб чиққан ҳолда қўшимча ва ўзгартирилган киритилмоқда.

Тизим тадбиркорлар ва кичик корхоналар кўплиги билан фарқлиниб туради. Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ишлаб чиқилган «Кичик корхоналар учун жамоа шартномаси макети» асосида кам сонли аъзолар сони нисбатан кам бўлган корхоналарда жамоа шартномаси тузилишида кўмаклашилмоқда. Табиийки, иш шароитини яхшилаш, меҳнат муҳофазаси, маданий-маърифий ва бошқа масалалар бўйича мажбуриятлар нафақат иш берувчи, балки касабаси уюшма ташкилоти ва аъзоларга ҳам катта вазифалар юклайди.

Масалан, тармоқ тасарруфидан бўлган «Агро био кимо» МЧЖдаги 60 нафар ходимнинг ижтимоий-иқтисодий ва меҳнат оид ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида 2015 — 2017 йиллар учун қабул қилинган жамоа шартномаси тўлалигича ўзини оқламоқда.

Замон талабига жавоб берадиган, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариб, мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган корхонада жамоа манфаатлари иш берувчи ҳамда касабаси уюшма кўмитаси ижтимоий шериклигида ҳимояланаётган.

Ўтган йилда жамоа шартномаси орқали меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда махсус кийим-бош, ходимларни даврий тиббий кўриқдан ўтказиш, турли дори-дармонлар билан таъминлаш, махсус гигиеник ювиш воситаларига ҳамда зарарли иш ўринларига жалб қилинган ишчиларга сўт-қатиқ маҳсулотлари харид қилишга кўмаклашилди. Корхонада иш ўринларини шаходатдан ўтказиш хулосасига биноан ходимларнинг меҳнат таътилларига 3 иш кунидан 7 иш кунигача иш ҳақи тўланадиган қўшимча таътиллари берилиши белгиланди, ходимлар ишлаб чиқаришда юз бериши эҳтимол тутилган бахтсиз ҳодиса ва касб касалликларидан қонун талабларига мувофиқ ҳолда сурғурта қилинди.

Жамоа шартномасида олий ўқув юртли ва касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Ҳозирда «Kafolat-rezina» МЧЖда 19 нафар 30 ёшгача бўлган ёшлар меҳнат қилмоқда. Устозлар ўзларига бириктирилган шогирдларга ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга энг кам харажат сарф қилган ҳолда юқори маҳсулдорликка эришиш сирларини ўргатишяпти. Яна бир жиҳат, меҳнат муҳофазаси талабларига иш жараёнида тўлиқ амал қилган ходимлар доимий равишда бошланғич ташкилот тақлифига асосан, иш берувчи томонидан рағбатлантириляпти.

**Бахром ҚУВВАТОВ,**  
Кимё ва фармацевтика sanoati ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши бош мутахассиси

## Касабаси уюшма ҳаёти

### Ниятимиз — эзгулик

Устувор мақсадимиз ишловчилар ҳамда уларнинг оила аъзолари манфаатини ифодалашдан иборатдир. Бежизга касабаси уюшма етиб борган жойда эзгулик дарахти гуллабди, деб эътироф этилмайди.


Хусусан, туман кенгашиимиз жорий йил Давлат дастурида кўзда тутилган мақсадларни амалга ошириш асосида кўпчилигининг кўнглини олишга эришди. Тизимдаги 130 нафар пенсияга чиққан касабаси уюшма фаолларига эсдалик совғалари топширилди. Эҳтиёжманд аҳоли қатламини қўллаб-қувватлаш ишларини ташкил этиш мақсадида 250 нафар ишловчи ходимнинг фарзандига спорт кийимлари олиб берилди.

**Мухайё ҒАФФОРОВА,**  
Таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси Наманган шаҳар кенгаши раиси

## Фидойилик

### Илмга пайваста кўнги

Гулнора опа касб байрами билан табриклар, самимий тилак билдираётган шогирдларига боқиб, қалби ғурурга тўлади. Собиқ талабаларининг ҳаётда ўз ўрнини топиб, эл-юрт хизматида камарбаста бўлаётганидан фахрланади.



Улардан бири — Рушана Рустамова. Ниҳоятда тиришқок қиз. Институтда ўқиб юрган кезлари Зулфунда номидаги Давлат муқофоти соҳибаси бўлди. Бугун унинг ўзи ҳам устоз. Ёшларга илм сирларини ўргатиб келяпти. «Иш тутумини, педагогик маҳорат сирларини Гулнора опадан ўрганганман», дея ҳамкасбларига гапириб юради.

Ёшларнинг устозга бу қадар меҳр қўйганида ўзига хос ҳикмат бор. Утиллаётган мавзунини ҳаётга боғлаб, тингловчини қизиқтира оладиган муаллима ҳар бир дарсда, албатта, беш дақиқани тарбиявий сабоқларга ажратади.

Таъбир жоиз бўлса, Андижон машинасозлик институтининг ижтимоий фанлар кафедраси мудири, олимпиада Гулнора Бозоровани тугма истеъдод эгаси, дейиш мумкин. Андижон шаҳридаги 15-умумтаълим мактабининг олтин медал билан таъминланган Гулнора опа Тошкент халқ хўжалиги институтининг савдо-иқтисодиёт факультетига ҳужжат топширди. Мазкур даргоҳда икки йил давомида пухта билим эгаллашга интилди. Унинг тиришқоқлиги ҳисобга олинди: Олий

таълим вазирлиги йўлланмаси асосида Москва халқ хўжалиги институтининг ўқиш ва таълим бўлимида бир йил ўқиди. Бир зум бўлсин изланишдан тинмади. Аълочи талабалардан бири сифатида эътиборга тушди.

Гулнора Бозорованинг бевосита илмий фаолият билан шуғуллана бошлаганда унинг ақлида 35 йил тўлади. Тошкент халқ хўжалиги институтининг Андижон филиали, кейинчалик ҳозирги машинасозлик институтининг доцент, декан, магистратура бўлими директори, иқтисодиёт кафедраси мудири каби қатор вазифаларда фаолият кўрсатди. Ўзбекистон Қаҳрамони Шукуржон Маматқулов, Абдулазиз Солиевлар, Тоҳиржон Иминов каби устозлар ҳаёт пилла-пояларида илм шамчирикларини сингари йўлларини ёритиб туради. Ўзи ҳам талабаларга сабоқ бериб, юзлаб иқтисодчиларни тарбияляпти.

Мустақилликнинг илк йиллари мамлакат иқтисодиёти оғир аҳволда эди. Бу талотўл даврда юртимиз оғир ўтиш палласини бошидан кечирди. Гулнора опа айна шу кезларда «Бозор иқтисодиё-

## Келишув — амалда

# Манфаатли ҳамкорлик

Самарқанд вилоят ҳокимлиги, Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси ҳамда вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ўртасида имзоланган уч томонлама келишувда ҳудуд аҳлини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳимоялаш кенг қамровда ўз ақсини топган. Бунинг самараси ўлароқ ўтган даврда ижтимоий шериклик тамойиллари асосида меҳнатқашларга қатор қўлайлик ва имтиёзлар яратиб берилди.

Уч томонлама келишувнинг якунланган бир йиллик таҳлиладан ҳам кўриниб турибдики, аҳолини ижтимоий ҳимоялашда сезиларли ўсишларга эришилган. Чунинчи, ижтимоий шериклик асосида вилоятдаги 6146 эҳтиёжманд, ўн тўрт ёшгача ўғил-қизларни улғайтираётган 45882 оилалар, икки ёшгача бола парварishi билан машғул бўлган 46116 нафар оналар моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаб келинган.

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонлик муҳити барқарорлигига эришиш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Соҳа истиқболини таъминлашда техник ва технологик янгиликларни таъбиқ этишнинг аҳамияти катта. Ушбу йўналишда қизгин фаолият олиб бораётган Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси ҳам фаолиятини тубдан такомиллаштиряпти. Палата томонидан техник ҳамкорлик доирасида тадбиркорлик субъектларига муттасил кўмаклашилмоқда. Вилоятдаги ана шу соҳа вакиллари дастур асосида дунёнинг ривожланган давлатлари бўлмиш Германия, Хитой, Малайзия, Жанубий Корея ва бошқа давлатларда таъриба орттиришди. Шунингдек, Германиянинг «Инвест» дастури доирасида бир ойлик ўқишлар ташкил этилди. Бу эса улар фаолиятини ривожлантириш, кенгайтириш, қўшимча иш ўринлари яратишда кўл келаётган.

Меҳнатқашлар манфаати, меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоясини таъминлашда касабаси уюшмалари фаоллиги тобора ошиб бораётган. Жорий йилнинг ўтган даврида жамоат ташкилоти томонидан 14 миң нафардан зиёд аҳоли вакиллари 1,4 миллиард сўмдан ортиқ иж-

тимоий кўмак кўрсатилди. Жумладан, тизим тармоқлари томонидан 131 ёш оилага мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланадиган товарлар олиб берилди. Ўй-жойга эҳтиёжманд ходимларга, сафарбарлик захирасидаги ходимларнинг ҳарбий хизматга қақрилиши муносабати билан физик ссудалар ажратилаётган.

Ўтган фурсат келишув ва жамоа шартномалар орқали ёш бола тарбиясида бўлган 586 нафар ёш онага ёрдам кўрсатилди. Нодавлат мулк шаклидаги корхоналарда ишлаётган 336 нафар аёл учун ҳақ тўланадиган ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари кунли узайтирилди. 305 нафар хотин-қизларнинг ойлик маоши сақланган ҳолда иш кунлари ҳафтасига бир соатга қисқартирилди.

Ҳамкор ташкилотлар эътибори жалб қилинган ҳолда ҳудуддаги 1266 нафар эҳтиёжманд оилалар вакиллари 1555 нафар боқувчисини йўқотган оила ўғил-қизлари, 118 нафар ходимларнинг спорт тўғрақларига қатнаётган фарзандларига моддий ёрдам кўрсатилди.

Ходимлар меҳнатини муҳофазалашда ҳам минтақавий келишув шартларига тўла амал қилиб келинмоқда. Вилоятда меҳнатни муҳофазалаш қилиш бўйича 38826 тадбир режалаштирилган бўлиб, улар учун қарийб ўн миллиард сўм маблағ ажратилган. Ҳозирда меҳнатни муҳофазалаш соҳасида касабаси уюшмалари томонидан сайлаб қўйилган 5085 та жамоатчилик вакиллари корхона ва ташкилотлардаги бу борадаги аҳолини таъминлаш эҳтиёжларини қамраб олади. Улар томонидан аниқланган 900 та меҳнат муҳофазасига оид камчиликлар иш берувчилар томонидан бартараф этилди.

Касабаси уюшмалари вакиллари биринчи ярим йилда жойларда ўтказилган 122 та бўш иш ўрни ярмаркаларида қатнашди. Талабдорларга йигирма беш миңдан зиёд иш ўрни тақлиф қилиниб, 24 миңдан ортиқ киши ўзлари танлаган соҳалар бўйича ишга жойлаштирилди. Уларнинг ярмидан ортигини касб-хунар коллежини битирган ёшлар ташкил этади.

Мурожаатлар билан ишлашда янги ташаббуслар кўтарилиб, муаммоларни жойида ҳал этиш чоралари қўриляпти. Шу ўринда жорий йил бошидан буён амалиётга жорий этилган «Жамоатчилик қабули» катта самара бераётганини таъкидлаш жоиз. Жойларда ўтказилган қабулларда 788 нафар фуқаро қабул қилиниб, улар кўтарган масалалар тегишли тизим касабаси уюшмалари орқали ечим топишига эришиляпти.

Меҳнатқашлар ва улар оила аъзоларини соғломлаштириш борасида ҳам ижобий ўзгаришларни кузатиш мумкин. Мухими, иш берувчиларнинг бу масалага муносабати бутунлай ўзгарди. Ташкилот ва корхоналар кўмағида ички туризм йўналишида саёҳатга чиққанлар ўн беш миң нафар кишидан ошди. Бу аввалги йиллардагидан уч-тўрт баробарга кўп деганидир. Ходимлар саломатлигини мутахассислар «Ходимлар гимнастикеаси» ҳар бир ходимнинг кундалик одатига айланган.

Ходимлар фарзандларини соғломлаштириш, уларни дам олдиришда ҳам тубдан юксалиш бор. Оромгоҳларда меҳнатқашларнинг қарийб 25 миң фарзанди дам олдирилди. Бир сўз билан айтганда, амалда бўлган минтақавий келишув самараси барча жиҳада ўз натижасини намойён этапти.

**Ойбек ИСМОИЛОВ,**  
Самарқанд вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири

## Ички ишлар ходимининг ўз вазифасини сидқидилдан бажарган ҳолда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш, жамиятда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга қатъият билан интилиши хотиржамлигимиз кафолати бўлиб ҳисоб қилади.

# Тиниб-тинчимас мураббий

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ШТБХга бевосита бўйсунувчи Олмалик шаҳрида жойлашган Сержантлар тартибини қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказида ёш ходимларда масъулиятли ва шарафли хизматни ўташга бўлган кўникмаларни ҳосил қилиш билан бирга, уларнинг касбий билимини ошириш, ўз имкониятларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш мақсадида қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Бу ерда ўз билим ва ҳаётий таърибаларини сержантларга ўргатаётган фидойи ходимлар жуда кўп. Марказ ўқув бўлими ижтимоий ва сиёсий фанлар цикли катта ўқитувчиси, капитан Шербек Раҳимов улардан биридир. У ички ишлар органларидаги фаолиятини 2008 йилда Ангрен шаҳар ИИБда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими инспектори лавозимидан бошлаган.

Капитан Шербек Раҳимов сарф қилган вақтнинг сифатида таълим жараёнини самарали ташкил этишга муносиб ҳисса қўшмоқда. Ўқув дастурлари, ўқув-методик материаллар, тингловчи ва курсантлар билимини назорат қилиш бўйича якуний имтиҳонлар методик материалларига тасдиқланган дастурларга мос ҳолда ҳар ўқув йилида қўшимча ва ўзгартиришлар киритиб, уларни янгилаб боради.

«Ички ишлар органлари ходимларининг касб этикаси ва маданияти» фанидан «Ички ишлар органлари ходимларини ҳалоллик, адолат, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш» мавзусида тайёрлаган ўқув-усlubий қўлланмасидан ўқув машғулотларида кенг фойдаланиляпти. Айна пайтда «Миллий гога ва аъналардан тўғрисида тушуночалар» фанидан «Ҳозирги замонда инсон онги ва қалбини эгаллашга қаратилган мафқуравий таҳдидлар ва бузғунчи гоғлар» ўқув-усlubий қўлланмасини тайёрлаш устида ишламоқда.

Капитан Шербек Раҳимов тингловчи ва курсантларга «Ички ишлар органлари ходимларининг касб этикаси ва маданияти» ва «Ички ишлар органлари ходимларининг касбий-руҳий тайёргарлиги» фанларидан сабоқ беради. У таълим соҳасидаги фаолияти орқали ёшларни бой маданий меросимиз ва тарихий аъналаримизга, умуминсоний кадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол гоғларига садоқат руҳида тарбиялаш, касбий ва руҳий томондан чиниқтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ш.Раҳимовнинг меҳнатлари ИИВ ҳамда марказ раҳбарияти томонидан муносиб баҳолалиб, у «Аъло хизматлари учун» кўкрак нишони билан тақдирланди.

**Шерали АНВАРОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ ИХҚ ва ЮТВ бош инспектори, подполковник

**Азизбек СОТВОЛДИЕВ,**  
Андижон машинасозлик институтининг катта ўқитувчиси

# МУНОСИБ МЕҲНАТ — МУҲОФАЗА ҚИЛИНГАН, ХАВФСИЗ МЕҲНАТ

## МАСЪУЛИЯТГА КЎП НАРСА БОҒЛИҚ

1993 йилнинг 6 майда қабул қилинган «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, яқинда унинг янги тахрири тасдиқланди. Янги тахрирдаги қонун 36 та моддadan иборат бўлиб, унда меҳнат муҳофазасига оид кўплаб долзарб масалалар қамраб олинган.

Таъкидлаш керакки, қонун лойиҳаси Меҳнат вазирлиги томонидан ишлаб чиқилиб, кенг жамоатчилик, жумладан, касба уюшма ташкилотлари мутахассислари томонидан муҳокама қилинди. Лойиҳани шакллантиришда кўплаб таклифлар инобатга олинди. Янги қонунга илгари кўзда тутилмаган қатор моддалар қўшилган. Бу меъёрлар меҳнатни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш, иш берувчи ва ходимларнинг соҳага оид талабларни бажариш бўйича масъулиятини кучайтириш, қўлай меҳнат шaroитини яратиш ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли талабларнинг амалга оширилиши устидан назоратни кучайтириш, касба уюшма мутахассисларининг бахтсиз ҳодиса ва касб касалликларини текшириш жараёнида иштирок этиши орқали соҳадаги жамоатчилик назорати самарадорлигини кучайтиришга йўналтирилган.

Жумладан, иш ўринларини меҳнат шaroитлари бўйича шаходатдан ўтказиш, меҳнатнинг муҳофаза қилинишини бошқариш тизими аудити масалалари тартибга келтирилганлиги диққатга сазовордир. Яна шунини таъкидлаш жоизки, соҳадаги жамоат назоратини амалга оширишда кенг жамоатчилик ва касба уюшмалари иштирокининг аниқ механизми белгиланиб, уларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолияти билан беvosита боғлиқ бўлган ҳуқуқлари қонуннинг 31-моддасида белгилаб қўйилган.

**Қаҳрамон ҲАЙИТОВ,**  
Тошкент вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими етакчи мутахассиси

## ТАВСИЯЛАРНИ ИНОБАТГА ОЛИБ

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш, меҳнат қонунчилиги ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган меъёр-ҳуқуқий базани мустаҳкамлашга катта аҳамият бериб келинмоқда. «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг янги тахририда қабул қилинган ва кўплаб янги меъёрлар билан бойитилган бунга яққол мисол бўла олади.

Янги тахрирдаги қонун умумэтироф этилган принциплар ва халқаро ҳуқуқ нормалари, Халқаро меҳнат ташкилоти Конвенциялари ва тавсияларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилганлиги билан аҳамиятлидир.

Қонунда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланди. Унда аёллар, вояга

етмаган ва меҳнат қобилияти чекланган шахслар учун меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишни ўзига хос хусусиятларига аниқлик киритилди. Шунингдек, жамоавий ҳимоя воситалари, зарарли ишлаб чиқариш омили, иш ўрни, ишлаб чиқариш фаолияти, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса, касб касаллиги, меҳнат шaroитлари, меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнатда майиб бўлиш, ноқулай ва ҳафли ишлаб чиқариш омилилари, шахсий ҳимоя воситалари каби тушунчаларга атрофлича таъриф берилди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича республика, тармоқ ва ҳудуд даражасида давлат органларининг вазифалари белгиланди ҳамда соҳадаги талабларни бажаришда иш берувчи билан бир қаторда ходимнинг ҳам масъулияти оширилди. Соҳада меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлар бозорининг профессионал иштирокчиларини (тадбиркорлар) жалб қилиш имконияти қонуний асосда тасдиқлаб қўйилди. Корхона ва ташкилотлар томонидан ихтиёрий равишда меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимини аудит қилиш механизми жорий этилди. Ходимларнинг айрим тоифалари, аёллар, вояга етмаган ва меҳнат қобилияти чекланган шахслар учун соҳадаги муносабатларни тартибга солишни ўзига хос хусусиятлари белгиланди.

Бундан ташқари, соҳада касба уюшмалари томонидан жамоатчилик назоратини ўрнатилиши таъминлаш юзасидан талаблар киритилганлиги ва давлат бошқаруви органларининг ваколатлари белгиланганлиги янги қонуннинг ўзига хос жиҳатларидан дейиш мумкин.

Мазкур ҳужжат иш ўринлари аттестацияси, Меҳнат шaroитлари бўйича давлат экспертизаси талаблари юзасидан ҳам батафсил тушунчалар бериб ўтилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

**Дамир ЭРДАШЕВ,**  
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича бош мутахассиси

## МУҲИМ ҲУЖЖАТ

Меҳнатни муҳофаза қилиш тегишли қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амал қилувчи, инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизимидан иборат доимий фаолиятдаги механизм ҳисобланади.

Бинобарин, меҳнат муҳофазаси дунёдаги долзарб масалалардан бири бўлиб, ижобий ечим учун, авваламбор, унинг ҳуқуқий манбаларини билиш зарур. Яқинда, яъни жорий йил 22 сентябрда қабул қилинган «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун бу борада муҳим ўрин тутди. Мазкур қонун соҳа ҳуқуқий асосларининг янада такомиллашуви ҳамда меҳнат муҳофазаси самарадорлиги оширишга хизмат қилиши шубҳасиз. Қайд этиш жоизки, ҳеч бир бахтсиз



ҳодиса ёки касб касаллиги ўз-ўзидан ёки бесабаб юзага келмайди. Бундай ҳолатлар замирида эътиборсизлик, лоқайдлик, ижро интизомининг сустлиги, меҳнат муҳофазаси маданияти ва касбий малака даражасининг саёзлиги каби иллатлар ётади. Шу боис ички назорат, мулкчилик шаклидан қатъи назар, ҳар бир корхонада «Меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш тўғрисида намунавий низоми» ва идоранинг тегишли ички қоидалари асосида амалга оширилиши шарт.

Соғлом она ва бола йили муносабати билан корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарининг меҳнатни муҳофаза қилиш, аёллар меҳнатига белгиланган имтиёзлар, меъёрий ҳужжатлар орқали ман этилган касбларда улар меҳнатидан фойдаланмаслик ва иш жойларидан санитария-гигиена шaroитларини яхшилаш тадбирлари ижроси бўйича назоратни кучайтиришга бўлган масъулияти янада оширилди. Назоратнинг барча тури меҳнатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ стандарт, қоида ва нормалардан четга чиқиш ҳолатларини аниқлашга, қоидабузарлик сабабларини таҳлил қилиш ва уларни бартараф этишга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқишга қаратилган бўлиб, бу ҳол иш ўринларини билимдон ёш ходимлар билан мустаҳкамлаш, уларнинг мутахассислиги бўйича малакасини ошириш ва меҳнат фаолиятида қўллаб-қувватлашни тақозо этади. Бугин эмас. Ижтимоий шерикликнинг шакл ва услубларини такомиллаштириш асосида ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солиш самарадорлигини ошириш, меҳнатқашлар учун муносиб меҳнат шaroитини яратиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини, касб-ҳунар коллежи битирувчиларини ишга жойлаштиришга кўмаклашиш ҳамда бу борада жамоатчилик назоратини ташкил этиш, ходимлар учун меҳнатга ҳақ тўлаш ва уни меъёрлаштиришнинг ижтимоий адолатли тизимини жорий этишга эътиборни қаратиш лозим бўлади.

Дарвоқе, 2011 йилдан буён Вазирлар Маҳкамаси, Касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид ҳар уч йил муддатга тузилиб келаётган Бош келишувда назарда тутилган долзарб масалалар қаторида:

- фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тизими билан иш берувчиларнинг тўлиқ қамраб олиниши;
- корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат муҳофазаси тадбирларини молиялаштириш;
- меҳнат шaroитлари бўйича иш ўринларини шаходатдан ўтказилиши кабилар ўрин олган.

Хавфсиз меҳнат шaroитини таъминлаш борасида корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарлари ҳамда касба уюшмалари томонидан амалга оширилаётган ишлар бунинг яққол далилидир.

## ВАКОЛАТЛАР КЕНГАЙДИ

Ҳар бир ходим фаолияти давомида меҳнатнинг муҳофазаланишини талаб қилишга ҳақли. Касба уюшмаларининг устувор мақсади ҳам шу — ходим учун муносиб меҳнат шaroитларини яратиш.

Бу борадаги фаолиятининг қонуний асослари такомиллаштирилаётга-

ни муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, янги тахрирдаги «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун касба уюшма ваколатларини янада кенгайтди.

Қонун Вазирлар Маҳкамаси, Меҳнат ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, жойлардаги давлат ҳокимиятининг ваколатларига ҳамда меҳнат муҳофазаси соҳасида давлат ва ҳўжалик бошқарувиға аниқлик киритди. Шунингдек, мазкур ҳужжатда касба уюшмаларининг ваколатлари аниқ белгилаб берилганлиги фаолиятимизга янада изчиллик бағишлайди.

ҚОНУНДА МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ БИЛАН БОҒЛИҚ АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР КЕНГ ШАРҲЛАБ БЕРИЛГАН. ЖУМЛАДАН, ЖАМОАВИЙ ҲИМОЯ ВОСИТАЛАРИ, ЗАРАРЛИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОМИЛИ, ИШ ЎРНИ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФАОЛИЯТИ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ БАХТСИЗ ҲОДИСА, КАСБ КАСАЛЛИГИ, МЕҲНАТ ШAROITЛАРИ, МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ, МЕҲНАТДА МАЙИБ БЎЛИШ, НОҚУЛАЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ХАВФЛИ ОМИЛЛАРИ, ШАХСИЙ ҲИМОЯ ВОСИТАЛАРИ КАБИ ТУШУНЧАЛАР МОҲИЯТИ ОЙДИНЛАШТИРИЛГАН.

Аввалгидек, қонун 50 ва ундан ортиқ ходимларга эга бўлган ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини жорий этиш ёки махсус тайёргарликдан ўтган мутахассисни ишга олиш талабини олдинга суради. Аммо энди унинг вазифаларини шартнома асосида жалб қилинган меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари бўлган юридик шахслар амалга ошириши мумкин. Уларга бўлган талаблар ва ягона реестрни юритиш тартиби Ҳукумат томонидан белгилаб берилди. Ҳужжат ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш бошқаруви тизимининг аудити механизми баҳолалини жорий этади. У иш берувчининг қарори билан ўтказилади ва шартнома асосида юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

Қонунда меҳнат шартларига кўра вақт-вақти билан аттестация қилинадиган (5 йилда 1 мартабадан кам бўлмаслиги керак) иш жойлари рўйхати белгилаб берилди. Улар меҳнат шартларига кўра имтиёз ва компенсация тўланадиган; ногиронлар учун ишчи ўринлари; ташкилотлар, муассасалар рўйхатларида кўрсатилган — имтиёзли равишда нафақага чиқиш имконини берувчи иш, касб-ҳунар, лавозим ва кўрсаткичларга эга; хавфли ишлаб чиқариш объектларидаги ишчи ўринларидан иборат.

Шунингдек, касба уюшмаларининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари янада кенгайганлигини 16-, 23-ҳамда 31-моддаларда кўришимиз мумкин. Хусусан, «Меҳнатни муҳофаза қилиш учун иш берувчи томонидан маблағлар ажратиш, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича жамғармалар-

ни ташкил этиш ва уларнинг маблағларидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Касба уюшмалари Федерацияси иштирокида» белгилашни 16-моддада қайд этилган бўлса, «Иш берувчининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари» деб номланган 23-моддага «меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши устидан давлат назорати ва текширувини амалга оширувчи органларга, шунингдек, касба уюшмаларига ва ходимларнинг бошқа вакиллик органларига уларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолати, бахтсиз ҳодисаларни ва касб касалликларини текшириш юзасидан назоратни, текширишни ва мониторингни амалга ошириш учун зарур бўлган ахборот ва материалларни тақдим этиши» талаби киритилган.

Қонуннинг 31-моддасида эса касба уюшмаларининг меҳнатни муҳофаза қилиш таъминлаш борасидаги ҳуқуқлари аниқ белгилаб қўйилди. Унга кўра, касба уюшма ташкилотларнинг раҳбар ва бошқа мансабдор шахслари меҳнат шaroитларини ва муҳофазаси, шунингдек, ишлаб чиқаришдаги барча бахтсиз ҳодисалар ҳамда касб касалликлари ҳақида ахборот олиш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва касб касалликларини текширишда иштирок этиш, ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғилган ҳолларда ишларни тўхтатиб туриш, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларнинг бузилишини бартараф этиш тўғрисида иш берувчига таклифлар киритиш ва бошқа қатор ҳуқуқларга эга бўлади.

**Мирзаноир ҚОРАБОЕВ,**  
Наманган вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими муdiri

## ТАКОМИЛЛАШУВ — ДАВР ТАЛАБИ

Мамлакатимизда саноатнинг ривожланиши, хусусий сектор фаолиятининг кучайиши ва ишлаб чиқаришга замонавий технологияларнинг жалб қилиниши меҳнатни муҳофаза қилиш масаласига алоҳида эътибор беришни талаб қилади. Янги тахрирда қабул қилинган «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун орқали ҳаётимиздаги ана шу ўзгаришлар қонуний изохини топди. Меҳнат муҳофазаси масалалари ҳақон ва замон талаблари даражасига олиб чиқилди.

Қонун лойиҳасини тайёрлашда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ижтимоий ҳимоянинг асосий йўналишлари белгиланиб, тадбиркорларга қўлайликлар яратиш ва ишловчи ходимларнинг меҳнат шaroитларини доимий равишда яхшилаш ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ижтимоий ҳимояни таъминлашга эътибор қаратилди. Айниқса, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича жамоатчилик назоратини ўрнатилиши таъминлаш юзасидан талаблар киритилиши ва давлат бошқаруви органларининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари белгиланиши айни муддао бўлди.

**Зафар АЛИЕВ,**  
Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши бош мутахассиси



# ОМОН БЎЛИНГ, МУШТАРИЙ

## Сиздан овоз ва обод Ватан қолди

(1).

Тадбирда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори, профессор Ш.Сирожиiddинов, Ўзбекистон Миллий университети профессори З.Миноваров ва Республика маънавият тарғибот маркази бўлим mudiri, профессор Г.Маткаримова сўзга чиқди. Ўзбекистон Республикасининг 25 йиллик тарихи Биринчи Президентимиз Ислам Каримов номи билан чамбарчас боғлиқ эканлиги, буюк йўлбошчи халқимизни нафақат мустақилликка олиб чиққани, балки уни мустақамлашга бутун борлигини бахшида этгани таъкидланди. Мустақиллик туйғай халқимиз ўзлигини топгани, дунёда ўз ўрнига эга бўлгани, бугун байроғимизда халқро майдонда, жаҳон ареналарида ҳиллираганда кўксимиз гурурга тўлиши, буларнинг бариди Ислам Каримовнинг хизматлари бекиёс эканлиги қайта-қайта тилга олинди.

— Ислам Каримов мустақиллик меъмури, буюк давлат ва сиёсат арбоби бўлиш билан бирга, маънавий жасорат тимсоли эди, — деди, жумладан, Ш.Сирожиiddинов. — У республикамизга раҳбар бўлиб келган давр халқимиз тақдирини оғир ва масъулиятли йиллар эди. Нафақат эркинлигимиз, балки миллий

ўзлигимиз, тилимиз ва динимиз ҳам ҳалоқат ёқасида турганди. Шундай мураккаб шароитда Ислам Каримов ташаббуси, фидойилиги билан ҳали юртимиз мустақилликка эришмай туриб, Давлат тили ҳақидаги қонун қабул қилинди. Миллий байрамларимиз, дину эътиқодимизга янгидан ҳаёт бахш этилди. Буюк йўлбошчимизнинг мамлакат фаровонлиги, ёшлар камоли йўлида амалга оширган бекиёс ишлари тарихимиз саҳифаларида олтин харфлар билан муҳрланди.

Тадбирда қайд этилганидек, Биринчи Президентимиз Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий дастурларнинг амалга оширилиши мамлакатимизнинг изчил ва барқарор ривожланишини таъминлади. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти қарийб 6 бараварга ўсди. Иқтисодиёти жадал ривожланган давлатлар қаторидан ўрин эгаллади. Бунинг аққол исботи сифатида диёримизда қурилган ва ўз кўлами бўйича жаҳон миқёсида ҳам йирки ва ноёб ҳисобланган sanoat объектлари, хусусан, Устюрт ва Шўртан газ-кимё комплекслари, Бухоро нефтини қайта ишлаш заводи, Кўнғирот сода заводи, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи, Андижон, Самарқанд, Тошкент ва Хоразм вилоятларидаги автомобилсоз-

лик корхоналарини мисол қилиб келтириш мумкин.

Мамлакатимизда хусусий мулкчилик ва тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантириш учун кенг имконият ва қулай шарт-шароитлар яратилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялли ички маҳсулотдаги улуши 56,5 фоизга етди. Бу соҳада иш билан банд аҳолининг 78 фоизи меҳнат қилмоқда ва улар мамлакатимизнинг гуллаб-яшнаши учун муносиб ҳисса қўшмоқда.

Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти томонидан илгари сурилган «Ислохот — ислохот учун эмас, аввало, инсон учун» деган эзгу гоани таъбиқ этиш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг шакллантириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини сезиларли даражада оширди.

Мустақиллик йилларида Ислам Каримов раҳнамолигида халқимизнинг миллий-диний кадриятлари қайта тикланиб, миллатлараро товулик муҳити яратилган, бу масалага юксак даражада доимий эътибор қаратилиши натижасида мамлакатимизда тинчлик, осудалик, ҳамжихатлик мустақамлангани қайд этилди. Бу борада буюк йўлбошчи бошлаб берган хайрли аънаналарни давом эттириш барчамизнинг бурчимиз эканлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда иштирок этган ёшлар республикамизнинг Биринчи Президенти ҳар бир ўғил-қизга оталарча меҳр-эътибор кўрсатгани, уларга дунёда тенги йўқ шарт-шароитлар яратиб берганини миннатдорлик туйғулари ила таъкидлашди. Ёшларимиз ҳар бир соҳада кўплаб ютуқларни қўлга киритмоқда ва ушбу муваффақиятларнинг салмоғи бундан кейин янада ошиб бораверади.

Истиқлолимиз асосчиси бўлган Ислам Каримов томонидан мамлакатимиз тараққиёти, юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширилган ишлар эса мангуликка муҳрланб қолади.

Буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислам Каримовнинг порлоқ хотираси қалбимизда барҳаёт яшади.

Ўз мухбиримиз. Икром ҲАСАНОВ олган суратлар.

### Эътиром

«Ishonch» ва «Ishonch-Doverie» газеталари тахририяти томонидан Укутувчи ва мураббийлар кўни муносабати билан «Фахрийлар — фахримиз» номли маърифий тадбир ташкил этилди.



## Фахрийлар — фахримиз!

Унда ижодий жамоада узок йиллар самарали фаолият олиб борган, газетанинг юксалишида уларнинг муносиб ҳиссасини қўшган устоз журналистлар, тахририят ходимлари иштирок этишди.

— Юртимизда устоз ва мураббийларга кўрсатилаётган гамҳўрлик ҳар қанча эътирофга лойиқ. Буни нафақат таълим йўналишида, балки барча жаҳада фаолият олиб бораётган фидойи инсонларга яратилган кенг имкониятлар мисолида ҳам кўриш мумкин, — деди «Ishonch» газетасининг биринчи бош муҳаррири, устоз журналист Тўлқин Қозоқбоев. — Дориламон кўнлар гаштини суриб юрган фахрий журналист сифатида ёш мутахассислар учун яратилган шароитларга ҳавасим келди. Кўп бор эътироф этилганидек, ахил ва изланувчан ижодий жамоанинг қулай ва замонавий имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда, янада мазмунли ва тахлий мақолалар билан муштарийлар қалбидан жой эгаллашига ишонаман.

— Ҳозирда Ўзбекистон тараққиётига дунё ҳавас қилмоқда. Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислам Каримов раҳнамолигида босқичма-босқич олиб борилган кенг кўламли ислохотлар ўз самарасини бераётди, — деди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Абдухалиқ Абдурашодов. — Чорак аср аввал ҳатто тушимизга ҳам кирмаган ижтимоий-иқтисодий юксалишлар, устозлар, нурунийларга кўрсатилаётган эътиром, аввало, тинчлигимиз ҳосиласи эканини барчамиз яхши англаб турибмиз. Бундай дамлар саодатини тараннум этиш эса, ҳеч бир муболагасиз, қалам аҳлига завқ-шавқ бағишлайди.

— Мен ишлаган даврдаги тахририят жамоаси билан ҳозиргиси ўртасида катта фарқ бор. Бугунги ёш журналистлар замонавий ахборот технологиялари асосида фаолият кўрсатаётганига гувоҳ бўлиб турибман, — деди Замира Рўзиева. — Биз кексаларни бир даврада ҳам қилиб, мана шундай дийдорлашув дамларини тўхфа этгани учун тахририят жамоасига миннатдорлик билдираман.

Учрашувда, шунингдек, тахририятда узок йиллар ишлаган Темур Убайдуллаев, Чори Латипов каби устоз журналистлар ҳам сўзга чиқиб, осойишталик ва фаровонлик қадр, ислохотлар жараёнини ёритиш, аҳоли ўртасида ватанпарварлик ҳиссини шакллантиришда оммавий ахборот воситалари ходимларининг ўрни ҳақида атрофлича тўхталиб ўтишди.

Тадбир сўнгиде устоз журналистларга эсдалик совғалари тақдим этилди. Бир пиёла чай устиде кечган гурунг барчага хуш кайфият бағишлади.

Давронбек ОРИПОВ, «Ishonch» мухбири. Икром ҲАСАНОВ олган сурат.



### Мутахассис минбари

## Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш самарадорлиги ошади

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги қарорига асосан мамлакатимизда 2016 йилнинг 1 мартидан бошлаб янги тахрирдаги Йўл ҳаракати қоидалари амалга киритилди. Ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини оширишга қаратилган ушбу янгиликлар жорий этилган, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини ҳам қайта кўриб чиқиш зарурати юзага келди. Ва ниҳоят, ўзгартириш ва қўшимчалар аке этган янги қонун қабул қилинди. Ушбу муҳим ҳужжат аҳамиятли тўғрисида Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲХББ бошлиғи, полковник Ҳолматжон САЙДАЛИНОВ кўйидагиларни сўзлаб берди:

— Ҳозир бутун дунёда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш энг долзарб муаммолардан бирига айланган. Чунки йўл-транспорт ҳодисалари натижасида мамлакатлар иқтисодиёти жуда катта зарар кўрмоқда. Бундай кўнгилсизликлар маънавий жиҳатдан ҳам ўнглаб бўлмас даражада зиён етказяпти. Машина уриб кетиши оқибатида ҳаётдан қўз юмаётган инсонлар орасида кимнингдир отаси, онаси, яна кимнингдир жондан азиз фарзанди борлигини бир тасаввур қилиб кўринг-а!

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга доимий равишда эътибор қаратиб келинмоқда. Амалга оширилаётган ишлар йўл-транспорт ҳодисаларининг йилдан-йилга камайиб боришида муҳим омили бўлаётди. Хусусан, мустақиллик йилларида соҳага тааллуқли қонунлар, ҳукумат қарорларининг янгиланиши, давр талабидан келиб чиққан ҳолда қўшимчалар билан тўлдириб борилиши ижобий натижа бермоқда.

Ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини оширишда Йўл ҳаракати қоидаларининг ўрни бекиёс. Шу сабабли қоидалар доимий ва узлуксиз, маҳаллий шарт-шароит, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида орттирилган тажрибалар асосида такомиллаштириб борилмоқда. Ўз-ўзидан равшанки, қоидаларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар кодексда ҳам ўз аксини топмоғи зарур. Жаҳондаги кўплаб давлатлар тажрибасидан, қолаверса, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар натижасидан маълумки, ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашда қоидабузарликларга нисбатан қўриладиган чоралар алоҳида ва муҳим ўрин тутди.

Янги қабул қилинган қонун ҳудди шу мақсадларни кўзда тутиб тайёрланди. Унинг лойиҳаси барча мутасадди вазирилик, идора ва ташкилотларнинг тажрибали мутахассислари томонидан ўрганиб чиқилди.

Қонун шу йилнинг 24 сентябр кунидан бошлаб расман қўчга кирди. Ушбу қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 125-, 128-, 138- ва 248- моддаларига қўшимча ва ўзгартишлар киритилди.


Бундан ташқари, янги тахрирдаги Йўл ҳаракати қоидаларида ҳайдовчиларга қатор муҳим мажбуриятлар юклатилди. Биласиз, сўнгги вақтларда, айниқса, тўй-тантаналарда машинадан танасини ташқарига чиқариб видео-таъсирга олаётганлар тез-тез учраб турибди. Бу эса ҳаракатланиш хавфсизлигига ўта зид ҳолатдир. Эндиликда ҳайдовчи аввалбошданқо йўловчиларни ҳаракат вақтида танани (қўлни чиқариш бунга кирмайди) автомобил салонидан ташқарига чиқариш мумкин эмаслиги ҳақида огоҳлантириши шарт. Агар ИПХ инспекторлари томо-

лар кодексда ҳам ўз аксини топмоғи зарур. Жаҳондаги кўплаб давлатлар тажрибасидан, қолаверса, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар натижасидан маълумки, ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашда қоидабузарликларга нисбатан қўриладиган чоралар алоҳида ва муҳим ўрин тутди.

Янги қабул қилинган қонун ҳудди шу мақсадларни кўзда тутиб тайёрланди. Унинг лойиҳаси барча мутасадди вазирилик, идора ва ташкилотларнинг тажрибали мутахассислари томонидан ўрганиб чиқилди.

Қонун шу йилнинг 24 сентябр кунидан бошлаб расман қўчга кирди. Ушбу қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 125-, 128-, 138- ва 248- моддаларига қўшимча ва ўзгартишлар киритилди.

Бундан ташқари, янги тахрирдаги Йўл ҳаракати қоидаларида ҳайдовчиларга қатор муҳим мажбуриятлар юклатилди. Биласиз, сўнгги вақтларда, айниқса, тўй-тантаналарда машинадан танасини ташқарига чиқариб видео-таъсирга олаётганлар тез-тез учраб турибди. Бу эса ҳаракатланиш хавфсизлигига ўта зид ҳолатдир. Эндиликда ҳайдовчи аввалбошданқо йўловчиларни ҳаракат вақтида танани (қўлни чиқариш бунга кирмайди) автомобил салонидан ташқарига чиқариш мумкин эмаслиги ҳақида огоҳлантириши шарт. Агар ИПХ инспекторлари томо-



нидан шундай қоидабузарлик аниқлангани бўлса, ҳайдовчига нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 1285-моддаси 2-қисми асосида чора кўрилади. Ҳайдовчи республикамизда жорий этилган энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баробари миқдорига жазима тўлайди. Ҳудди шу талаб қонданинг йўловчиларга тегишли 24-бандига ҳам қўшимча қилинди. Яъни, шундай қоидабузарлик содир этган йўловчиларга нисбатан кодекснинг 138-моддаси 4-қисмига асосан жавобгарлик белгиланди. Ушбу ҳолатларда уларга энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдорига жазима солинади.

Хавфсизлигини таъминлаш мақсадида яна бир янгилик жорий этилди. Маълумки, куннинг қоронғи вақтида, айниқса, ёритилмаган жойларда транспорт воситаси бирон-бир сабаб билан, масалан, носозлик туйғай тўхтаб қолиши мумкин. Шундай пайтда ҳайдовчи машинасини таъмирлаш учун ташқарига чиқари. Натижда, хавфли ҳолат юзага келади. Йўлдан ўтаётган транспорт воситалари ҳайдовчилари таъмирлаш ишлари билан банд бўлган ҳайдовчини

кўрмай қолиши мумкин. Ёгингарчилик бўлаётган вақтда ҳалоқат эҳтимоли янада кучаяди. Айнан шундай ҳолатларда йўл-транспорт ҳодисасига учраб жароҳат олганлар ҳақида кундалик маълумотларимизда қайд этилган. Шунинг эътиборига олган ҳолда янги қоидаларда тунги вақтда ҳайдовчиларга нур қайтарувчи махсус нимчаларни кийиб олиш мажбурияти юклатилди. Эндиликда ҳар бир транспорт воситасида тиббиёт кутчаси, ёнғин ўчиргич, мажбурий тўхташни билдирувчи белги билан биргаликда нур қайтарувчи махсус нимчалар ҳам бўлиши, шунингдек, йўл ҳаракати қоидаларининг 3-иловасига кўра фавқулодда ҳолатларда ойнани синдириш учун фойдаланиладиган болғача (болғача фақатгина М2 ва М3 тоифадаги йўловчи ташувчи транспорт воситалари учун) билан жиҳозланиши шарт. Янги қонунда бу каби қоидаларга роия қилмаганлар кодекснинг 125-моддасининг 2-қисми билан чора кўрилади. Яъни, энг кам ойлик иш ҳақининг иккидан бир қисми миқдорига жазима тўланади.

Сўнгги вақтларда кўпчиликни

ташвишлантираётган, йўл-транспорт ҳодисаларини келтириб чиқараётган, умуман ҳаракатланиш хавфсизлигига жиддий раҳна солаётган яна бир муаммо кўзга ташланаётган эди. Гап йўлда ҳаракатланаётган пиёдаларнинг уяли телефон, планшетлардан фойдаланиши, кулоқларига турли мосламаларни тақиб олиб гаплашиши, музыка эшитиши ва ҳатто кино кўриши ҳақида кетмоқда. Бу салбий ҳолат, айниқса, мактаб, лицей ва коллеж ўқувчилари, олий таълим муассасалари талабалари орасида урфга айланган бўлиб, кундалик маълумотларимиз орасида айнан шундай бепарволик сабабли транспорт гилдираклари остида қолиб ҳаётдан қўз юмганлар тўғрисидаги маълумотлар ҳам бор.

Шу каби ҳолатларни инobatга олган ҳолда тасдиқланган йўл ҳаракати қоидаларининг 19-бандида пиёдаларга йўлда юрганда, пиёдалар учун ажратилган жойлардан ўтаётганда ҳалёли чалғитувчи нарсалардан, жумладан, телефон, планшетлардан фойдаланиш, видео кўриш, газета, журнал ва китоб ўқиш ман этилди. Эндиликда ушбу турдаги қоидабузарлик учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 138-моддаси 1-қисмига асосан чора кўрилади ва энг кам ойлик иш ҳақининг учдан бир қисми миқдорига жазима қўланади.

Янги тахрирдаги Йўл ҳаракати қоидаларида тақийлий равишда одам олдига кетаётган, йўловчиларни ташиётган автобуслар, микроавтобуслар, шунингдек, мотоцикл ва мопедлар хавфсизлигини таъминлаш чораларини кучайтириш учун куннинг ёруғ пайтда ҳаракатланаётган ҳам яқини ёритувчи чирокларини ёқиб юриши шарт, деб белгиланди. Ушбу тартиб қоидаларнинг 128-бандига қўшимча қилиб киритилди. Бу турдаги қоидабузарлик аниқланса, ҳайдовчига нисбатан Кодекснинг 128-моддаси 1-қисмига асосан жазо чораси қўлланилади ва энг кам ойлик иш ҳақининг иккидан бир қисми миқдорига жазима солинади.

Умуман олганда, янги қабул қилинган қонун, аввало, ҳаракат иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган. Унинг талаблари сўзсиз бажариш эса келгусида йўлларимизда хавфсиз ҳаракатланиши таъминлаб, одамларнинг соғлиги ва ҳаётини муҳофаза қилишга хизмат қилади.

Сўхбатни Нарзулла МАҲАМОВ ёзиб олди.

### Реклама

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш даолат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, «Ko'shmas mlk savdo xizmati» МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига тақлиф этди!

Аукцион савдоларига қўйидаги давлат активлари тақордан қўйилди:

1. Тошкент шаҳар ҳокимлиги мусасислигидаги, Тошкент шаҳар, Яқсарой тумани, А.Қаҳҳор кўчаси, 26-ўй манзилида жойлашган «Landsaft Dizayn Markazi» Давлат унитар корхонаси. Бошланғич нархи — 72 668 300 сўм.

Баландса савдлови: Тошкент шаҳар ҳокимлиги. Фаолияти иқтисоси: Маъмурий бошқарув.

2. «O'rta Osiyo Maxsus Qurilish» давлат бирлашмаси тасарруфидеги, Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Авишайхона, 75-ўй манзилида жойлашган «O'rta Osiyo Maxsus Qurilish» давлат бирлашмаси. Бошланғич нархи — 505 182 000 сўм.

Баландса савдлови: «O'rta Osiyo Maxsus Qurilish» давлат бирлашмаси. Фаолияти иқтисоси: Республика буйича халқ ҳўжалиги объектида бургулаш, портлатиш ва махсус ишлар бажариш. 1, 2, 4, 5 катэгория механизацияланган сакс жамланмаларнинг ишларни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш.

3. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти тасарруфидеги, Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Сайрам кўчаси 26-ўй манзилида вақтинчалик сакс лангаётган «Нарвўз» савдо комплекс металоқнаструкция қурилиш материаллари ишооти. Бошланғич нархи — 6 607 065 сўм.

Баландса савдлови: Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти. Фаолияти иқтисоси: Бинолардан фойдаланиш.

Савдо ташкилотчиси: «Ko'shmas mlk savdo xizmati» МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А» ўй. Тел/факс (0-371) 228-84-48, веб сайт: www.1kms.uz, электрон почта: neltssavdo@inbox.uz, Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2016 йил 20 октябр кўни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А» уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу кўни бўлиб ўтмаган тақдирда, тақрибий савдолар 2016 йил 4, 21 ноябр, 6, 22 декабр кўнлари, соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари буйича голиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабдорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдидан Савдо ташкилотчиси «Ko'shmas mlk savdo xizmati» МЧЖнинг қўйидаги банк рекевизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АНТБ -Илпак -Савдо. Санбо. Филмал. Ҳ/Ҳ: 2020800904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга бюртманоме қабул қилиш билдиришоме эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришомеда кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган кўни савдо бошланишидан уч соат олдин тавом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта буйича аукцион савдоси ўтказиладиган кўни савдо бошланишидан олдин савдо бўртманомани икки нусxada тақдим этилади.

Юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаининг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вақилининг аукционда қатнашиш учун қўйи хужжатларида белгиланган тартибда расмиёлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатининг нусхаси илова қилинган ишончноме; жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, аукциондаги тўлиқ ваколатли вақилининг қўйи хужжатларида белгиланган тартибда расмиёлаштирилган, тўлиқ ваколатли вақилининг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатининг нусхаси илова қилинган ишончноме; — аукцион тўғрисидаги билдиришомеда кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат пули тўлаш учун қўйи хужжатидан тўлиқ ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А» ўй.

Маълумотлар учун телефонлар: (0-371) 228-84-48. Факс: (0-371) 228-23.

Электрон почта: neltssavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб сайт: www.1kms.uz, www.gkl.uz, www.gklorg.uz.

Хурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларнинг ўтказиш жараёнида қўни билан қўрилмайдиган ҳужжатларнинг бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли «Ишонч» телефонига зудлик билан хабар беришига сўралди!

Хизматлар лицензияланган.

Тахрирнинг ҳисоб рақами: 2021 0000 0004 3052 7001, АТБ «Ипотека Банк» Яншобод филиали, банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКНЛ: 87100

**МУАССИС:**

Ўзбекистон қасба уйушмалари Федератсияси

2007-йил 11-январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўхсатга олинган.

**Bosh muharrir o'rinbosari:**

Zayniddin Rixsiyev

**Tahrir hay'ati:**

Abdulaziz Abdullayev, To'lg'in Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanariyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshov

**BO'LIMLAR:**

Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63

Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69

Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79

Xalqar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43

Reklama va e'lonlar — 256-87-73

**Manzillimiz:**

100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

E-mail: xalqlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Soluvda erkin narxda.

**HUDDULARDAGI MUXBIRLAR:**

Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32

Andijon — (+998-91) 475-23-60

Buxoro — (+998-93) 653-50-81

Jizzax — (+998-91) 943-67-44

Namangan — (+998-90) 260-50-77

Navoiy